# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 31 июль, № 161 (7941) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини мамлакатимизда биринчи бор нишонланаётган байрам — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан, самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ, 30 июль — бутун дунёда Халқаро дўстлик куни сифатида нишонланиб келади. Ўзбекистонда шу йил 10 февралда қабул қилинган қонунга асосан ушбу сана Халқлар дўстлиги куни деб белгиланди. Бу байрамнинг таъсис этилиши бутун республикамиз аҳолисининг айни кўнглидаги иш бўлди.

Бизнинг қадимий ва қутлуғ заминимиз кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро муносабатга киришган, нафақат савдо, балки гуманитар алоқалар амалга оширилган марказ бўлиб келган. Бу ерда ёнма-ён яшаган турли халқлар, маданият ва динлар вакилларининг айнан дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари минтақамизнинг маданий ривожи учун қудратли омил бўлган.

Чиндан ҳам, бизнинг аждодларимиз оғир замонларда авваламбор кўп миллатли халқимизнинг бирлиги ва жипслиги, фидойилиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглигига таяниб, барча синов ва машаққатларни енгиб ўтган.

Ўзбекистон — улкан имконият ва ресурсларга эга бўлган мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз — турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Мустақил Ўзбекистонда миллатлар ва конфессиялараро тотувлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани муҳрлаб қўйилган. Уларга ўз маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Кейинги йилларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ўзининг сифати ва маъно-мазмунига кўра янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Бугун биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни қўйдик. Ҳеч шубҳасиз, бу борада жамиятимизда қарор топган дўстлик ва бирдамлик муҳити мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ислоҳот ва янгиланишлар йўлидан изчил илгарилаб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам асосидир.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларга маълумки, биз Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепциясини қабул қилдик. Бу ҳужжат ушбу йўналишдаги изчил ишларимизнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим ҳуқуқий пойдеворига айланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётгани барчамизни қувонтиради. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Юртимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар ўз фаолиятини эркин амалга оширмоқда. Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 150 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда. Уларнинг кўп қиррали фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ушбу мақсадлар учун зарур маблағларни йўналтирмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Тошкентда Дўстлик боғи ташкил этилмоқда. Пойтахтимиз ва ҳудудларимизда барпо этилган Дўстлик уйлари фуқароларимизни ўз бағрига чорлайдиган марказларга айланмоқда.

Давлат таълим муассасаларида ўқув ишлари 7 тилда олиб борилмоқда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатув ва эшиттиришларини 12 тилда бериб бормоқда.

Биз сўнгги йилларда чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Ушбу йўналишда чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Биз барчамиз мамлакатимизда яшаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, жумладан, миллий маданий марказларнинг раҳбарлари ва фаолларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, Виктор Пак, Маргарита Филонович, Галина Мельникова, Владимир Бойко, Виктория Акилова, Раҳматулла Жабборов, Ришат Набиуллин, Гуландом Субҳонова, Ҳанифа Солиҳова, Умризоқ Қувватов, Серикбай Усенов, Кайкеп Алиева, Темур Кападзе каби ёш авлодимизга ўрнак бўлиб келаётган таниқли жамоат арбобларининг номларини алоҳида тилга олишни истардим.

Қутлуғ байрам — Халқлар дўстлиги куни арафасида турли миллатга мансуб фуқароларимиз юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни чин дилдан табриклаб, барчасига чуқур миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугунги мураккаб замонда дунёнинг турли минтақаларида миллатлар ва конфессиялар ўртасида кескинлик кучайиб бормоқда. Бундай таҳликали шароитда биз биринчи навбатда жамиятимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, фарзандларимизни кўп миллатли халқимизнинг юксак маънавий-ахлоқий қадриятлари руҳида тарбиялашимиз зарур.

Ҳурматли дўстлар, барчангизни яна бир бор Халқлар дўстлиги куни билан табриклайман.

Ишончим комилки, ушбу байрам юртдошларимиз қалбида мустаҳкам ўрин эгаллайди ва ҳаётимизда эзгу анъанага айланади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ютуқ ва омад, оилаларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Гўзал ва бетакрор юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин, кўп миллатли Ўзбекистон халқига бахту саодат ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим ташкилотларида таҳсил олиш истагидаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар тақдим этиш, тўлов-контракт асосида ўқиётган ҳар бир талабага билим олиш учун қулай шароитлар яратиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини янада рағбатлантириш ва ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** республикадаги барча олий таълим ташкилотлари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилсин.

Белгилансинки:

тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган ресурслар ҳисобидан таълим кредитларини **Марказий банкнинг асосий ставкасида** ажратади;

таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг **еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади**;

таълим кредитини расмийлаштиришда ва унинг қайтарилишида талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари **биргаликда қарз олувчи** сифатида қатнашишига рухсат этилади;

**“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га** кирган оилалар фарзандларидан таълим кредити учун **гаров ва кафилликлар талаб этилмайди**.

2. Таълим кредитлари бўйича тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун **Молия вазирлиги ҳузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, хорижий мамлакатлар билан икки томонлама манфаатли муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни янги босқичга кўтариш, давлатимизнинг тинчликсевар ва халқпарвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш борасидаги катта хизматлари, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Джаббаров Рахматулла Маматович** — Республика қирғиз миллий маданий маркази раиси

**Пак Виктор Николаевич** — Республика корейс миллий маданий маркази раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

**Юсупов Ғуламзакир Есенович** — «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Айтжанов Узакбай Ечанович** — Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Акопджанова Галина Алексеевна** — Фарғона вилояти рус миллий маданий маркази раиси

**Бабаев Борис Рахимович** — «Kultura.uz» веб-сайти бош муҳаррири

**Бойко Владимир Федорович** — «Славутич» Республика украин миллий маданий маркази раиси

**Жалменов Уликбек Абилаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

**Капанадзе Вахтанг Ираклиевич** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси «Зарафшон» қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи

**Курбанов Оразмират Режепович** — Республика туркман миллий маданий маркази раиси

**Курбанов Рустамбек Джавдатович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси

**Набиуллин Ришат Хисматуллович** — Тошкент шаҳар татар жамоатчилик маданий-маърифий маркази раиси

(Давоми 2-бетда).

# ФАРЗАНДИНГМИЗ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда жорий қилинган Халқлар дўстлиги куни кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизда кенг қамровда, юксак савияда, кўтаринки руҳда илк бор нишонланмоқда.**



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

Республикамизда илк бор байрам қилинаётган ушбу сана муносабати билан давлатимиз раҳбари Фармонига асосан бир гуруҳ ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари — орден ва медаллари, нишонлар билан тақдирланди.

Пойтахтимизда ана шу мукофотларни ўз эгаларига тантанали тарзда топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказларнинг вакиллари, юртимизда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз таклиф этилди. Тадбирни онлайн тарзда ҳам юртимизнинг турли ҳудудларидан кузатиш имконияти яратилди.

Президентимизнинг Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Диёримиз азалдан дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, саховат муҳитига хайрихоҳлиги билан жаҳонга донг таратган.

→ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш ҳамда моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш мақсадида:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6260-сон Фармонида **“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **500 минг сўм** миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2021 йилнинг август ойида** аҳолининг қуйидаги қатламларига **500 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам** (кейинги ўринларда — бир марталик моддий ёрдам) **кўрсатилсин**:

**боқувчисини йўқотганлик пенсияси** ёки **нафақасини** олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига;

**ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган** болаларга.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2021 йил 30 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Сенат Раиси Т. Норбоева олиб борди.

Мазкур ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида кўтарилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ижроси доирасида Самарқанд вилоятида ичимлик суви таъминоти объектларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларида йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисидаги масала юзасидан Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан олиб борилган ўрганиш натижаларини кўриб чиқди.

Мажлисда мазкур ўрганиш натижалари ҳақида қўмита раиси Э.Гадоев маълумот берди.

Шундан сўнг ялпи мажлис кун тартибидаги биринчи масала — “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция (Тошкент, 2021 йил 15-16 июль) якунларидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди.

→ 3

# КУТИЛМАГАН БАХТ

*Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 2017 йилдан буён меҳнат қиламан. Аслида, биз каби ёшларнинг бундай йирик корхонага ишга киришимиз ҳам Президентимизнинг ўша йиллардаги “Ёшлик-1” конига ташрифи натижаси, десак, айни ҳақиқат. Чунки бундан бир неча йил муқаддам бу ердаги вазият тамоман бошқача эди. Айнан давлатимиз раҳбарининг комбинат ишчи-хизматчилари ва уларнинг оилавий шароитларини янада яхшилаш ҳамда юксалтиришга бўлган эътибори туфайли олмалиқликлар ҳаёти тубдан ўзгармоқда.*

## Дил сўзи

Асли касбим — компьютер дастурчиси. Ангрендаги Компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида таҳсил олганман. Шу билан бирга, комбинат қошидаги ўқув марказида касбга қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тугаллаб, карьер юк машинаси ҳайдовчиси мутахассислигини эгалладим. Ишдаги қийинчиликлар, касбнинг ўзига хос инжиқликларини сабр билан енгиб ўтдим. Ҳайдовчилик ота касб бўлганиданми ўз ишимга меҳрим бўлакча. Қолаверса, Юртбошимизнинг биз, ёшларга бераётган эътибори, ғамхўрликлари доимо руҳлантириб туради.

Шу куни ишга чиқиб, давлатимиз раҳбари билан учрашаман, деб сира ҳам ўйламагандим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмаликка ташрифи доирасида “Ёшлик-1” конида комбинатга олиб келинган янги “БелАЗ” русумли юк машиналарини кўздан кечираркан, менинг бошқарувимдаги техника ёнига келиб “Қани, бунинг ҳайдовчиси?”, деди. Шундан сўнг машина бошқарув рулига ўтириб, мен билан суҳбатлашди. Бўлиб ўтган бу суҳбат бир умрга қалбим тўридан жой олди. Энди ҳаётим давомида уни эъзозлаб яшайман.

→ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Пашаева Гулниса Фирузовна** — Мирзачўл туманидаги «Расим Ирода» биолабораторияси мудири, Жиззах вилояти

**Саломов Абдухалим** — Шаҳрисабз туманидаги «Ғелон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг нуронийлар жамоатчилик кенгаши раиси, Қашқадарё вилояти

**Сетян Мартин Вараздатович** — Республика арман миллий маданий маркази раиси

**Усенов Серикбай Назарович** — Республика қозоқ миллий маданий маркази раиси

## I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Ким Лидия Романовна** — Нукус шаҳридаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи директори, Қорақалпоғистон Республикаси

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Алимходжаева Татьяна Сергеевна** — Республика рус миллий маданий маркази раиси ўринбосари

**Мусурманова Юлия Юрьевна** — Янгиер шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

## II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Жугинисова Жанар Есеновна** — Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасининг Жаслиқ даволаш профилактика муассасаси ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Шукуров Абдухаким Абдурахимович** — Сариосиё тумани тиббиёт бирлашмасининг 69-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Сурхондарё вилояти

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдуллаев Илхам Юсиф огли** — Республика озарбайжон миллий маданий маркази фаоли

**Авездурдиева Гулдана Халдурдиевна** — Республика туркман миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

**Бабицкая Вера Яковлевна** — Ангрен шаҳри белорус миллий маданий маркази раиси, Тошкент вилояти

**Батбаев Зарипбой Турсинбаевич** — «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали Устюрт кон геофизика партияси гуруҳ бошлиғи

**Гунова Наталия Константиновна** — Мухтор Ашрафий музейи директори

**Гусейнов Фирдуси Фагатович** — Республика озарбайжон миллий маданий маркази раиси

**Джанибекова Нодира Абдусаломовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси, Сирдарё вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси

**Икромов Таджибай Чимирович** — «Овози тожик» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Компольшик Елена Александровна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

**Маматризаев Нематилло Асатович** — «Бухоро қоракўли» уюшмаси раиси, Бухоро вилояти

**Миронова Елена Анатольевна** — «Wiedergeburt» Республика немис миллий маданий маркази раиси

**Викентий — Морарь Виктор Александрович** — Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархия митрополити

**Набиева Фина Хазиахмитовна** — Тошкент шаҳар бошқирд миллий маданий маркази раиси ўринбосари

**Савуров Мане Давурович** — Тошкент шаҳар дунган миллий маданий маркази раиси

**Скуридин Олег Станиславович** — «Светлица польска» Республика поляк миллий маданий маркази раиси

**Субханова Гуландам Субхановна** — Республика тожик миллий маданий маркази раиси

**Фазилов Карим Шаманович** — Сирдарё туманидаги «Бирдамлик» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Филиппова Людмила Владимировна** — «Максам-Чирчиқ» акциядорлик жамиятининг Маданият саройи директори ўринбосари, Тошкент вилояти

## «Соғлом турмуш» медали билан

**Абжамилова Эркинай Абдусаттаровна** — Хонобод шаҳридаги «Алтин Ордо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Гришина Любовь Васильевна** — Чиноз тумани рус миллий маданий маркази раиси, Тошкент вилояти

**Камалова Назифа Мирзалиевна** — «Истиқлол авлоди» ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари, Жиззах вилояти

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Алдабергенов Кайрат Туткабоевич** — Томди тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Ким Вячеслав Владимирович** — Андижон вилояти корейс миллий маданий маркази раиси

**Пекось Олег Андреевич** — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари

**Шукуров Гайратулла Самикович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси матбуот котиби — раиснинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдурахмонова Арзикул Мирзараимовна** — Чирчиқ шаҳридаги «Сўғдиён» тожик миллий маданий маркази раиси, Тошкент вилояти

**Аметова Даригул Барликбаевна** — Мўйноқ туманидаги «Тик ўзяк» овул фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Боровикова Анастасия Дмитриевна** — «Правда Востока» газетаси катта мухбири

**Дидаров Даулетмират Аразқулиевич** — Ҳазорасп туманидаги «Саримой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Исмоилов Бахтиёр Абдусаттарович** — Пахтаобод туманидаги «Сарвиноз парвоз» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Ишмаков Шамил Наилевич** — Наманган шаҳридаги хусусий тадбиркор, Наманган вилояти

**Кабдурахманов Алибек Асатуллаевич** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Миллий симфоник оркестри бош дирижери

**Каюмов Рустам Миржалилович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Afrosiyob» юқори тезюрар электропоезди машинист-мураббийси

**Корсунова Татьяна Семеновна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг фахрийлар кенгаши фаоли

**Кувватов Нормурод Маматмуродович** — Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг «Алан» кони устаси, Қашқадарё вилояти

**Мурзаметова Марина Равшановна** — Юнусобод туманидаги «Аҳилобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Рамазанов Эбазер Сейтхалиевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоқир кон бошқармаси «Ёшлик-1» карьери экскаватор машинисти

**Сараджанова Анжелика Артуровна** — Самарқанд шаҳридаги «Марҳабо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Сафоев Баходир Акпаралиевич** — Сўх туманидаги «Сариканда» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Татаренко Тамара Павловна** — Самарқанд вилояти «Полонез» поляк миллий маданий маркази раиси

**Товстоног Андрей Григорьевич** — «Ўзавто Моторс Пауэртрейн» акциядорлик жамиятининг қуйиш цехи устаси

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 30 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жамғармага Давлат бюджетидан **2021 йилда камида 1 триллион сўм**, кейинги йилларда **ҳақиқий талабдан келиб чиқиб** маблағлар ажратилсин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

**Давлат бюджетидан ажратиладиган** маблағлар;

Жамғарма томонидан **аввал ажратилган ресурсларнинг қайтишидан тушадиган маблағлар** ва улардан олинадиган фоиз тўловлари;

Жамғарманинг **вақтинча бўш маблағларини** тижорат банкларига жойлаштириш ҳисобига фоизли тушумлар;

**Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари, ҳомийлик, грант маблағлари** ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма **юридик шахс мақомига эга бўлмаган** ҳолда Молия вазирлигида алоҳида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварағи шаклида ташкил этилади;

Жамғарма фаолияти Молия вазирлиги марказий аппаратига ажратиладиган **3 та штат бирлигидан иборат бўлинма** томонидан амалга оширилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобига тижорат банкларининг сўровларига асосан уларга **Марказий банкнинг асосий ставкасида** таълим кредити ажратиш учун мазкур ставкадан **4 фоиз бандга паст бўлган ставкада** ресурслар ажратилади;

Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, ресурс маблағлари ва таълим кредити бўйича **фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасайтирилади**, оширилган тақдирда эса **ўзгаришсиз қолади**.

4. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **Молия вазирлиги ҳузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тўғрисидаги** низомни тасдиқласин:

таълим кредитлари бўйича юзага келадиган кредит таваккалчилигини **Молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тақсимлаш** ҳамда Жамғармадан ажратилган маблағларнинг бир қисмини тижорат банклари томонидан **гаров депозити сифатида қабул қилиш**;

республикадаги **давлат олий таълим муассасалари, хусусий ва хорижий олий таълим ташкилотлари** ҳамда уларнинг филиаллари талабаларига контракт тўловлари учун кредит ажратиш;

Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун маблағлар ажратишда тижорат банкларига қўйиладиган **мувофиқлик мезонларини ўрнатиш**.

5. Молия вазирлиги Жамғармага **2021 йилда** маблағларнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен халқаро облигацияларни чиқариш ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилишини, **2022 йилдан бошлаб** эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошкулов ҳамда молия вазири Т.А.Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 30 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2.** Мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

"Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандларига бир марталик моддий ёрдам пулларини тўлаш харажатлари — **республика бюджети маблағлари**;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа органлардан боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига, шунингдек, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга бир марталик моддий ёрдам пулларини тўлаш харажатлари — **бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда вазирлик ва идораларга ажратилган бюджет маблағлари**.

**3.** Қуйидагилар бир марталик моддий ёрдамнинг ушбу қарорга мувофиқ мақсадли ва манзилли етказилишини таъминлаш юзасидан **шахсан масъул этиб белгилансин**:

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари** — "Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг жорий йил **25 августга қадар** манзилли етказилишини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича;

**бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, суд ҳокимиятининг олий органларидан** — тегишлилиги бўйича боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига, шунингдек, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга бир марталик моддий ёрдам пулларининг пенсияларни (нафақаларни) тўлаш учун **белгиланган муддатларда** ва манзилли етказилишини ташкил этиш бўйича;

**Молия вазирлиги** — зарур маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан **ўз вақтида** ажратилиши бўйича.

**4.** Молия вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор **мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин**.

**5.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири **Т.А.Ишметов** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Ж.А.Кўчқоров** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **2021 йил 1 октябрга** қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 30 июль

# ФАРЗАНДИНГМИЗ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

1

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ўзаро тотувлик, бағрикенглик муҳитини сақлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратила бошланди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, барча конституциявий ҳуқуқларини юзага чиқариши учун кенг имконият ва шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги йиллар мобайнида кўп миллатли мамлакатимизда барча фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялаш, хорижий ва қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янгича асосда йўлга қўйиш, бунда яхши қўшничилик тамойилларига таяниш, миллатлар ўртасидаги тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда мутлақо янгича тизимни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида миллатлараро аҳилликни сақлаш масаласи Юртбошимизнинг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Олий Мажлис ҳамда халқимизга Мурожаатномаларида, юксак минбарлардаги нутқларида намоёндир.

Тегишли Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг концепцияси мазкур соҳада давлатимиз сиёсатининг мақсадлари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилаб берувчи нуқтаи назарлар ягона тизимини ўзида мужассам этган. Ўзбекистонда миллатлараро, диний конфессиялараро дўстликни мустаҳкамлаш, ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат муҳитни таъминлаш борасидаги амалий ишлар халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилмоқда.

...Тантанали мусиқа янграйди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева миллий маданий марказларнинг вакиллари, фидойи ҳамюртларимизга Ватанимизнинг орден ва медалларини топширди. Шунингдек, "Халқлар дўстлиги" кўкрак нишонлари ҳам топширилди.

— Мен жонажон Ўзбекистоннинг фарзанди эканимдан ғоят фахрланаман, — деди «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, Республика қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Раҳматилла Жабборов. — Мамлакатимизда барча миллат ва элат вакилларининг эмин-эркин яшаши, таълим олиши, ўз иқтидорини юзага чиқариши учун зарур барча шароитнинг яратилганини бизларга мамнуният, илҳом бағишлайди. Байрам давом этади. Турли миллат ва элат вакилларининг либослари турфа, лекин уларнинг мақсад-муддаоси ягона — табаррук Ўзбекистонимизни фаровон, файзли, тинч , осуда, маъмур ва тараққиётга юз тутган ҳолда кўриш.

Тадбир санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерт дастури билан янада шукуҳли ва завқли ўтди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳитов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.**

# КУТИЛМАГАН БАХТ

1

"Бу қандай бошқарилади?"

Бу Юртбошимизнинг дастлабки саволи бўлди. Мен "БелАЗ"ни бошқариш қулай эканини, кабинада ҳайдовчи учун компьютер назорати, ҳаво совиткич ва бошқа бир қатор техник устунликлар мавжудлигини тўлқинланиб гапириб бердим. Давлат раҳбари қисқа суҳбат давомида ойлик маошим, яшаш шароитим билан қизиқди. Ҳар бир савол замирида оддий фуқарога нисбатан меҳр-муҳаббат, эл-юрт тақдири ва келажагига бўлган ғамхўрлик сезилиб турарди.

"Ўзинг сезяпсанми ҳаётдаги ўзгаришларни?", дея сўради Президентимиз.

Ойлик маошимиз муттасил ошиб бораётгани, шу касб орқасидан оиламиз уй-жойга, "Malibu" русумли енгил автоуловга эга бўлганимни эшитиб, хурсанд бўлди.

"Мана шундай меҳнатинг учун раҳмат! Садоқат билан хизмат қилганинг учун раҳмат! Янги Ўзбекистонда сендай йигитларни кўрганимда бошлаган ишларимиз муваффақиятидан мамнун бўламан", дея миннатдорлик билдирди.

Муболағасиз айтаман, бундан бошим осмонга етди. Энди ҳар куни баҳайбат "БелАЗ" бошқарувига ўтирарканман, ўзимни янада бахтиёр сезаман. Давлатимиз раҳбарининг қутлуғ қадами етган кабина доимо нурафшон, у киши тутган бошқарув рули менга фахр-ифтихор бағишлаб, меҳнат зафарлари сари элтади. Қолаверса, бу ўттиз беш йил ҳайдовчилик қилиб, бизни ҳалол меҳнати билан тарбиялаб вояга етказган меҳрибон отамнинг ҳар куни ишга кетиш олдидан берган дуолари самарасидир.





Албатта, комбинат конларида ишлаш, бундай паҳлавон юк машинасини бошқариш, кунлик режани муттасил уддалаш осон эмас. Кўпчилик тенгдошларим "Комбинатга ишга кирсам, мўъжиза юз бериб, бирдан турмуш шароитим ўзгариб кетади", деб ўйлашади. Аслида ундай эмас. Ҳар бир касбнинг ўзига хос машаққатлари бор. Айниқса, кончилик соҳасида бу қийинчиликлар кишидан сабр ва матонатни, билимни, қатъиятни, фидойиликни талаб қилади.

Президентимиз қурилишига таъмал тошини қўйиб берган "Ёшлик-1" конини бунёд этишдаги иштирокимиз биз, комбинат ёшларига доимо ғурур бағишлайди. Бизга бўлган эътибор ва ишончдан эса бошимиз кўкка етди.

**Азиз ЮСУПОВ,
Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳайдовчиси.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1 Сенаторларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган Тошкент конференцияси тарихий воқеага айланиб, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини ривожлантиришнинг концептуал янги шарт-шароитларини яратди.

Қолаверса, минтақавий ривожланишда юзага келаётган тенденцияларни англаб етиш, ҳамкорликнинг асосий истиқболларини аниқлаб олиш ҳамда Жанубий ва Марказий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқликка эришишда ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш имконини берди.

Қайд этилганидек, анжуман мақсадларига эришиш парламент дипломатияси ресурсларидан фаол фойдаланишни талаб қилади. Парламент аъзолари минтақаларнинг салоҳиятини бирлаштиришга кўмаклашишлари мумкин ва буни амалга оширишлари керак. Бу эса минтақаларнинг барқарор ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланади.

Шу ўринда Сенат қарорида парламент юқори палатаси фаолиятининг давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларни парламентлараро ҳамкорлик механизмлари орқали фаол тарғиб этиш, иқтисодиёт, инвестициялар, энергетика, инновациялар ва "яшил технологиялар"ни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, экологик муаммолар ҳамда табиий офатларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Бундан ташқари, парламент дипломатияси ҳамда парламент назоратининг тегишли механизмлари белгиланди. Хусусан, ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари билан халқаро шартномаларини кенгайтириш, халқаро муносабатларни ривожлантириш дастурлари ва режаларининг бажарилиши устидан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш, минтақалар мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш миллий ҳаракат режаларини ("йўл хариталари"ни) тасдиқлаш орқали парламент назорати олиб бориш назарда тутилган.

Ялпи мажлисда Сенат қўмиталарига, хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича комиссиялар ва гуруҳлар раҳбарларига ҳамкорлик бўйича гуруҳларни кенгайтириш ва уларнинг мажлисларини амалий мазмун билан бойитиш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш, минтақалараро алоқаларни чуқурлаштиришга кўмаклашиш, маҳалла, сайлов округлари ва олий ўқув юртларида маърифий ишларни фаоллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар ва тавсиялар берилди.

Сўнгра 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, Давлат дастури 273 та банддан иборат бўлиб, 2021 йилнинг биринчи ярмида 116 та банддаги топшириқнинг ижроси таъминланиши белгиланган. Уларнинг 89 таси тўлиқ бажарилган, 2 та банднинг ижро муддати белгиланган тартибда узайтирилган.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 74,9 триллион сўмга етган. Жами харажатлар 79,3 триллион сўмни, шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 40,4 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 16,6 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 2021 йилда жами 7794 та қишлоқ ва маҳаллада 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга оширишни назарда тутувчи параметрлар тасдиқланган.

2021 йилнинг 30 июнь ҳолатига 209,2 минг янги иш ўрни яратилган, 78,5 минг нафар фуқаро касб-ҳунарга ўқитилган, 24 мингдан ортиқ фуқароларга субсидиялар ажратилган.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча секторлар ва маҳаллалар кесимида алоҳида режалар тасдиқланган ҳамда жами 425 минг 662 нафардан ортиқ ёшларнинг бандлигига эришилган.

Мажлисда дастур ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди.

Дастурда 2021 йилнинг биринчи ярмида бажарилиши қайд этилган 7 та банддаги Вазирлар Маҳкамаси қарорлари белгиланган муддатларда қабул қилинмаган. Натижада дастурнинг бир қатор муҳим вазифалари ижроси ўз вақтида таъминланмаган. Жумладан, хорижга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган ва хорижий тил ҳамда касблар бўйича малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган фуқароларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш, алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган болаларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш тартибини жорий этиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, сенаторлар хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон меҳнат мигрантларига хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жумладан, ҳаёти, соғлиғи, меҳнат шароитлари ва шартномада белгиланган иш ҳақи ўз вақтида берилаётгани ҳақида доимий мониторинг олиб бориш зарурлигини таъкидлади.



Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, 2021 йилнинг 6 ойи мобайнида республикада жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда бир қатор самарали ишлар амалга оширилган.

Хусусан, 2021 йил 6 ойда содир этилган умумий жиноятларнинг 95,3 фоизи фош этилган, қидирувдаги 1 833 нафар шахс ушланган. Бедарак йўқолган 218 нафар шахс топилган. Ички ишлар органлари ходимларининг ташаббуси билан мазкур даврда 15 434 та жиноят аниқланган.

Қайд этиш лозимки, ички ишлар органлари ходимлари ташаббуси билан аниқланган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 71,4 фоизга яхшиланган.

Бироқ ўтказилган ўрганишлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаганлиги ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, 2021 йилнинг 6 ойида республика миқёсида содир этилган умумий жиноятлар сони 45 630 тани ташкил этиб, ҳар 100 минг аҳолига ўртача 132 тадан тўғри келган. Ўтган йилдагига нисбатан 111,9 фоизга ортган.

Олди олиниши мумкин бўлган 217 та қотиллик, 4 137 та тан жароҳати етказиш, 135 та босқинчилик, 1 100 та безорилик, 7 618 та ўғрилик, 9 439 та фирибгарлик жинояти содир этилишига йўл қўйилган.

Бундан ташқари, 6 мингга яқин, айниқса, Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ишсизлар томонидан жиноятлар содир этилгани жойларда аҳолининг бандлигини таъминлаш ишлари самарасиз ташкил этилганлигидан далолат беради.

Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда.

Жумладан, 2021 йил 6 ойда оилавий муносабатлар доирасида содир этилган жиноятларнинг 77 таси қотиллик, 798 таси тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятлардир.

Бундан ташқари, республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишлари ҳам тўғри ташкил этилмаган. Мамлакатимизда ҳайдовчиларни тайёрлаш ва улардан имтиҳон олиш тартиби билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларини ҳам такомиллаштириш тақозо этилади.

Автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги сабабли республика бўйича 2021 йилнинг ўтган 6 ойи давомида жами 3,5 миллионга яқин, 2020 йилдагига нисбатан 40,8 фоиз кўп йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этилган.

Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳам талаб даражасида эмас. Айрим ходимларнинг эса билим савияси ва ҳуқуқий маданияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Оқибатда фуқароларнинг жиддий эътирозлари кун сайин ортиб бормоқда.

Мажлисда сенаторлар томонидан аҳоли ўртасида жиноятчиликка нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Боёвут, Қарши, Бўстон, Тўрақўрғон, Олот туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисидаги масала муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мазкур ҳудудларда муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш йўналишида қарийб 912,1 миллиард сўмлик 303 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилган, 3 800 дан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирлар доирасида 6 та мактабгача таълим ташкилоти, 7 та умумтаълим мактаби ва 3 та соғлиқни сақлаш муассасаси бинолари ҳамда 3 та маданият объектида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Ушбу мақсадда 47,0 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағлари сарфланган.

Коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, аҳолини сифатли ва узлуксиз электр энергия, табиий газ ҳамда ичимлик суви билан таъминлаш бўйича белгиланган 50 дан ортиқ тадбирларнинг ижроси тўлиқ таъминланган.

Аҳоли хонадонларига 1700 га яқин автоматлаштирилган газ ҳисоблагичлари ўрнатилган. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 9 та сув иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Шу билан бирга, таҳлиллар жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 79 та тадбир муддатидан кечиктирилганлиги ва 106 та тадбирни амалга оширишда муаммоли ҳолатлар юзага келганлигини кўрсатди.

Ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш тадбирларини молиялаштириш манбаи сифатида Инвестиция дастурида назарда тутилган маблағлар ва республика бюджети этиб белгилаб қўйилганига қарамасдан, мазкур объектлардан 24 таси (2020 йилда 9 та ва 2021 йилда 15 та) жорий йилги Инвестиция дастурига киритилмаганлиги натижасида бугунги кунга қадар маблағ ажратилмаган.

Жумладан, мактабгача таълим соҳасида Боёвут туманидаги 150 ўринли, Қарши туманида 50 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш ва таъмирлаш тадбирлари молиялаштирилмаган. Мактабгача таълим вазирлигининг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тўрақўрғон туманидаги 47-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш ишлари бошланмаган.

Халқ таълими соҳасида Тўрақўрғон туманида 330 ўринли мактаб биносини қуриш, Бўстон тумани халқ таълими бўлими биносини таъмирлаш тадбирлари республика бюджетидан молиялаштирилмаган.

Олот туманидаги соғлиқни сақлаш объектларида республика бюджети маблағлари ҳисобидан 3,7 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлсада, бугунги кунга қадар мазкур тадбирлар молиялаштирилмаган.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Маданият вазирлиги масъуллигидаги Каттақўрғон ҳарбий гарнизонининг собиқ "Ҳарбийлар" маданият саройини мукаммал таъмирлаш ҳамда Ингичка қўрғонида янги Болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш тадбирлари бошланмаганини кўрсатди.

Ялпи мажлисда ҳокимият ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг йўл қўйилган хато-камчиликлар бўйича ахбороти эшитилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг қонунларнинг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш мақсадида қонунларнинг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиб, Сенат қўмиталари томонидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг 20 га яқин қонунлари ўрганиб чиқилди.

Таҳлиллар айрим қонунларда аниқ механизмларнинг акс эттирилмаганлиги, ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги сабабли соҳанинг, асосан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинганлиги, шунингдек, қабул қилинган айрим қонунлардаги нормаларнинг амалиётда қўлланилмаётганлиги сабабли қонунларни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

# ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИГА МОС МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар бир қатор қонун ҳужжатлари ва масалаларни кўриб чиқди. Улар жамият тараққиётининг бир неча муҳим йўналишларига қаратилган бўлиб, ҳар бир ҳужжат ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда батафсил таҳлил қилинди.*

**Содиқ САФОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:**



— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги Тошкент конференцияси тарихий воқеа, кўп жиҳатдан ноёб форум бўлди. Биринчидан, у халқаро майдонда миллий манфаатларимизни илгари суриш борасида давлатимизнинг янги стратегик назарини акс эттирди. Илк бор ташқи сиёсатимизнинг янги йўналиши — Жанубий Осиё минтақаси устувор аҳамиятга эгалигини белгилади. Иккинчидан, Тошкентда бундай ўта нуфузли халқаро тадбир ташкил этилиши ва муваффақиятли ўтказилиши сўнгги йилларда бутун дунёда таъсири тобора ортиб бораётган янги Ўзбекистон пайдо бўлганининг ёрқин далилидир.

Анжуман ишида 40 дан ортиқ мамлакат ва халқаро ташкилотларнинг 250 дан зиёд таниқли вакиллари иштирок этгани тадбирнинг нуфузини яққол кўрсатиб турибди. Эътиборлиси, давлат ва ҳукумат, ташқи сиёсий идоралар раҳбарлари билан бирга тадбир ишида кўплаб мамлакатлардан келган парламент аъзолари ҳам қатнашди. Бу, албатта, минтақалар давлатларида ҳокимият вакиллик органларининг тутган ўрни, шу жумладан, халқаро алоқалар масалаларида тобора ортиб бораётганини намоён этди.

Демак, анжуман мақсадларига эришиш парламент дипломатияси ресурсларидан фаол фойдаланишни талаб қилади. Парламент аъзолари минтақаларнинг салоҳиятини бирлаштиришга кўмаклашиши мумкин ва буни амалга оширишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро конференцияда илгари сурган ташаббусларининг туб мазмун-моҳиятини, уларнинг халқимиз фаровонлиги учун амалий аҳамиятини мамлакатимиз кенг жамоатчилиги, ёшларга етказиш долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳамкорликда "Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги: шартлари, истиқболлари, геостратегик аҳамияти" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Парламентлараро ҳамкорлик механизмлари орқали Ўзбекистон ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини халқаро миқёсда фаол тарғиб қилиш муҳим.

Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари парламентлари ўртасида алоқаларни изчил ривожлантириш, парламентлараро мулоқотни минтақалар давлатлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамловчи муҳим омил сифатида янада жадаллаштириш лозим.

Халқаро банк-молия фаолияти, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ҳамда маданият масалалари бўйича эришилган келишувларнинг ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш даркор. Биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг Покистон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистондаги элчиларининг ўз фаолиятига доир масалалар ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш орқали тизимли парламент назоратини амалга ошириш керак.

БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусни парламентлараро даражада тарғиб қилиш ва илгари суриш муҳимдир.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**



— Сўнгги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари тараққиётимиз янги босқичининг илк кунларидан бошлаб суд-ҳуқуқ, жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Маҳаллада "Хавфсиз муҳит", жиноятларни маҳаллабай, соҳабай муҳокама қилиш каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инновацион ғояларни ўз ичига олган концепциялар ҳаётга татбиқ этилди.

Энг асосийси, бу соҳа ҳуқуқбузарликлар оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг барвақт олдини олиш зарурлиги ҳақидаги муҳим ҳаётий тамойил асосида ислоҳ қилинмоқда.

Қўмитамиз томонидан ўтказилган ўрганишлар натижалари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ички ишлар органлари фаолияти бўйича олиб борган мониторинги шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёти ва соғлиғини жиноий тажовузлардан ишончли ҳимоя қилиш, Президентимиз камбағалликка қарши комплекс чора-тадбирларни кўраётган бир вақтда фуқароларимиз мол-мулкини ҳимоя қилиш борасида ҳануз кўплаб муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлар етарли даражада олиб борилмаганлиги оқибатида ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги маълум бўлаётир.

Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишдаги ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги оқибатида республикада олди олиниши мумкин бўлган 45 минг 630 та жиноят содир этилишига йўл қўйилган ва ўтган йилдагига нисбатан 111,9 фоиз *(21 535)* ортган. Энг ачинарлиси, уларнинг 217 таси қотиллик ва 489 таси оғир тан жароҳати етказиш жиноятларидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш бўйича кескин талаблар қўйилаётган ҳозирги шароитда бу долзарб масалага барча ҳудудда бирдек ёндашилмаяпти.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари муаммоларни маҳаллабай ўрганмаганлиги, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий аҳволини оилабай ҳал этиш чораларини кўрмаганлиги оила-турмуш замирида оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган. Бу эса оилаларда эр-хотин ўртасидаги ўзаро жанжалларга барҳам бериш, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида ички ишлар органи ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлигидан далолатдир.

Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2021 йил 6 ойи якуни бўйича ахбороти қўмита аъзолари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан дастлабки тарзда атрофлича ўрганилди, тегишли хулосалар чиқарилди.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:**

— 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини эшитдик. Хабарингиз бор, бу йилги Давлат дастури 273 та банддан иборат бўлиб, 2021 йилнинг биринчи ярмида Давлат дастурининг 116 та банди ижросини таъминлаш назарда тутилган. Шундан ҳисобот даврида 89 та бандда қайд этилган топшириқлар тўлиқ бажарилган.

Бир жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман. Бутун дунёда ҳамон пандемия сабабли мураккаб вазият кечаётганига, унинг янги-янги салбий таъсирлари авж олаётганига қарамай, Президентимиз ҳамда Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жуда кўп соҳаларда ўсиш давом этмоқда.

Жумладан, 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,2 фоизни ташкил қилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 425 минг 662 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган.

Бу ўринда Давлат дастуридаги ҳар бир топшириқ халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга, саломатлигини мустаҳкамлашга, ёшларимиз бандлигини таъминлашга, одамларни рози қилишга, она диёримизнинг гуллаб-яшнашига, мухтасар айтганда, янги Ўзбекистонни ривожланишнинг навбатдаги босқичига олиб чиқишга қаратилганини яна бир карра таъкидламоқчиман.

Дастурдаги ҳар бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат юртдошларимиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, жорий



йилда, эътибор беринг, жами 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳаллада 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга оширишни назарда тутувчи параметрлар тасдиқланган. Ҳудуд манфаатларини ифода этувчи палата сифатида бу ўзгаришлар, энг аввало, биз, сенаторларни қувонтиради ҳамда зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Яъни Давлат дастури, инвестиция дастурлари асосида бажарилиши зарур бўлган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан таъсирчан парламент назоратини олиб боришимиз талаб этилади.

Дастур ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

Хусусан, ҳар бир ҳудудда ташқи қарз ҳисобига бажарилаётган инфратузилма лойиҳалари бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ахборот киритиш амалиёти талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Дастурда 2021 йилнинг биринчи ярмида бажарилиши қайд этилган 7 та, жумладан, 30, 142, 231, 234, 237, 242-бандлардаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари белгиланган муддатларда қабул қилинмаган.

Биз Давлат дастуридаги топшириқлар бажарилишида вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга ёрдам бериб, яқин ҳамкорликда иш олиб боришимиз бугуннинг муҳим талабидир.

**«Халқ сўзи».**

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА БАЖАРИЛСА, МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПАДИ

*Коронавирус пандемияси жаҳон мамлакатлари қатори, юртимизда ҳам кўпгина режаларни амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатяпти. Лекин ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигини ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йил шу муддат давридагига нисбатан 106,2 фоиз ўсиши билан якунлашга эришдик.*

*Ўтган давр ичида барча соҳа қатори, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, аҳоли бандлигини ошириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли иқтисодиётнинг барча тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши кузатилди. Саноат, хизматлар, қишлоқ хўжалиги соҳаларида юқори кўрсаткичлар қайд этилди.*

## Фикр

### 216 миллиард сўмлик 9 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғи каби аграр секторда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди.

Хусусан, бугунги кунга қадар ерларни фойдаланишга киритиш учун 1 минг 203 километр суғориш тармоқлари қурилиб, 391 километр коллектор тармоқлари таъмирланди. 997 дона суғориш қудуғи ва 201 дона насос агрегати ўрнатилиб, 1 минг 782 километр электр узатиш тармоқлари тортилди. Натижада республика бўйича жами 189 минг гектар, шундан 100,5 минг гектар фойдаланишдан чиққан ерлар ҳамда ер ости захира сувлари мавжуд бўлган 88,4 минг гектар чўл, адир ҳудудлардаги лалми ва яйлов ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун киритилди.

2021 йилда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 7 миллион тонна сабзавот, 1,6 миллион тонна картошка, 3,1 миллион тонна мева ва 1,8 миллион тонна узум етиштириш белгиланган. Бунинг учун қўшимча равишда ҳисобот даврида 64 минг гектар мевали боғ ва 37,6 минг гектар узумзорлар барпо этилди. Мевали боғлар ва узумзорларни ташкил қилиш учун 64,3 минг дона мевали, 100,6 минг дона ток кўчати ҳисоб-китоб қилиниб, бугунги кунга қадар 44,9 миллион дона мева ва 51,9 миллион дона ток кўчати етказиб берилди.

Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ғалладан бўшаган майдонларига такрорий экин сифатида 92,5 минг гектар сабзавот, 22,9 минг гектар картошка ва 33,8 минг гектар полиз экилиши белгиланган бўлиб, ўтган даврда 13,2 минг гектар сабзавот, 453 гектар картошка, 10,7 минг гектар полиз экинлари экилгани аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратилаётган қулай



шарт-шароитлар натижаси, десак, муболаға бўлмайди.

### Экспортчи корхоналарнинг 1 минг 208 та муаммоси ҳал этилди

Маълумки, инвестиция — бу иқтисодиёт "драйвер"и бўлиб, у бўлмаса, тармоқ ривожланмайди. Иқтисодиётга инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш эса кўплаб соҳалар, тармоқлар ва ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар кириб келишига хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 4,8 миллиард доллар миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ёки бу прогнозга нисбатан 130 фоиз бажарилганини англатади. Энг муҳими, Инвестиция дастури доирасида 746 миллион долларлик 50 та йирик ва аҳамиятли лойиҳа, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида эса 21 триллион сўмлик 5 минг 246 та лойиҳа ишга туширилиб, 70 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Бу, албатта, қувонарли ҳолатдир.

Албатта, жорий йил биринчи ярим йиллигида қилинган ишлар диққатга сазовор. Лекин ҳисобот даврида ютуқлар билан бирга бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳам борки, уларни ўз вақтида бартараф этиш кечиктириб бўлмас вазифа ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини эшитиш жараёнида айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ҳукумат томонидан тақдим қилинган ҳисоботда барча муҳим масалалар кенг қамровда акс эттирилгани, айниқса, Вазирлар Маҳкамасига, унинг таркибига кирувчи вазирлик ва идораларга юборилган парламент ҳамда депутатлик сўровларига берилган жавоблар чуқур таҳлил қилингани ижобий баҳоланди. Ўз навбатида, Ҳукуматга йил якунига қадар дастур ижросини тўлиқ бажариш чораларини кўриш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

*Биринчидан,* дастурнинг биринчи ярим йилликка белгиланган 116 та бандидан 89 таси тўлиқ ижро этилган, 7 та банднинг ижроси муддатидан аввал таъминланган. Аммо айрим бандлар ижроси бажарилиши кечиккан, белгиланган вазифалар ҳозирга қадар таъминланмаган. Ҳозирда 1 июль ҳолатига муддатидан кечикишга йўл қўйилган айрим топшириқлар юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Хусусан, партиямиз электорати манфаатига хизмат қиладиган, молиявий бозорни кенгайтиришга қаратилган муҳим тадбир кўзда тутилган 60-банд ижроси юзасидан "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шу йил 9 июль куни қуйи палатага киритилди.

*Иккинчидан,* ЎзЛиДеП дастуридаги муҳим йўналишлардан бири бўлган давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш чоралари кўрилаётгани ҳам қувонарлидир. Зотан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 мартдаги Фармони билан 18 турдаги маълумотлар "Электрон ҳукумат" тизими орқали берилиши, 28 та турдаги давлат хизматининг натижаси аҳолига почта алоқаси орқали етказилиши белгиланди.

*Учинчидан,* энергетика тизими иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Бу борада электр энергетикаси соҳасида рақамлаштириш сиёсати амалга оширилаётгани, бугунги кунга қадар 7,2 миллиондан зиёд аҳоли хонадонларига замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилгани, уларнинг 6,3 миллионтаси "биллинг" тизимига уланиб, электр энергияси истеъмолини онлайн мониторинг қилиш йўлга қўйилгани диққатга сазовор, албатта.

Шу ўринда ҳисоботда келтирилган бир рақамга тўхталиш жоиз. Айни вақтда республикада электр энергиясини ишлаб чиқариш қуввати 14 минг 131 мегаваттга етган. 2000 йилда бу кўрсаткич 7 минг 750 мегаваттни, 2016 йилда 10 минг 830 мегаваттни ташкил қилган. Сўнгги 20 йилда ишлаб чиқариш қуввати 2 баробар, охирги 4 йил ичида эса 25 фоиз ўсган.

Йил якунига қадар 9 та иссиқлик ва қуёш электр станцияси ишга туширилиб, генерация қувватлари 1 минг 560 мегаваттга оширилиши мақсад қилинган. Ушбу муҳим вазифани бажариш ҳамда Тошкент, Хоразм, Навоий вилоятларида белгиланган аниқ лойиҳалар амалга оширилиши учун Ҳукумат, албатта, барча зарур чораларни кўришига ишонамиз. Бу борада фракциямиз ҳам Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда назорат-таҳлил тадбирларини амалга оширади.

*Тўртинчидан,* серқуёш диёримизда етиштирилаётган ноз-неъматлар бетакрор таъми, инсон организми учун фойдали бўлган витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис мева-сабзавотларимизга талаб хорижда ҳам юқори. Ҳозирги мураккаб шароитда халқимизни асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, экспорт кўламини кенгайтириш долзарб масалалардан бўлгани боис, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва йил давомида нарх-наво барқарорлигига эришиш учун ижро органи билан депутатлик корпуси ҳамкорликни кенг йўлга қўйиб, назорат ишларини кучайтириш кераклиги тавсия этилди.

Хулоса шуки, Давлат дастурида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бандликни таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган муҳим масалалар ўз аксини топган. Демак, унинг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, жойлардаги муаммолар ечим топади, жамиятда, одамлар ҳаётида ўзгариш бўлади.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИ УЧУН ТАНЛОВ ШАФФОФ ЎТМОҚДАМИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Халқ таълими вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги Фармонига асосан Қашқадарё вилояти халқ таълими тизимида вакант мактаб директорлик лавозимлари ва уларни тўлдириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ахборотини эшитди.*



Бугунги кунда мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мактаб таълимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқувчиларга замоннинг илғор технологияларига таянган ҳолда чуқур ва сифатли сабоқ бериш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ихтисослаштирилган зиё масканлари очилмоқда, тарихда илк бор Президент мактаблари фаолият бошлади. Мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, синфхоналарини ўқув жиҳозлари билан таъминлаш янги босқичга олиб чиқилди.

Илм даргоҳларида иқтидорли ўғил-қизларни тарбиялаш, педагогларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида ўзини оқлаётган лойиҳалар эътиборга молик. Мактабларга раҳбар тайинлаш тизимининг янги тартиби жорий этилиши ҳам тизимдаги янги ислоҳотлар сирасига киради. Мақсад — директор тайинлашда халқ вакилларининг овозини олиш, турли коррупциявий ҳолатларга йўл қўймаслик ва истеъдодли мактаб етакчисини танлашдан иборат.

Лекин давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган мазкур тамойил жойларда қандай бажариляпти? Ушбу масалалар Қашқадарё вилояти мисолида ўрганилди. Ҳудуддаги 1 минг 164 та умумтаълим мактабидан 373 тасида директор лавозимлари вакант бўлиб турибди. Шу йилнинг 1 январидан 15 июль ҳолатига қадар Халқ таълими вазирлигининг ish.uzedu.uz сайти орқали фақат 154 таси учун белгиланган тартибда танлов эълон қилинган. Аммо аксарият, яъни 219 та лавозим учун танлов ўтказилмаган.

Вилоят халқ таълими тизимида 2019/2020 ўқув йилидаги таълим муассасаси кўрсаткичлари мониторинг қилинганда "қизил тоифа"даги мактаблар сони 185 тани ташкил этиб, мазкур таълим муассасаларидан 69 тасида фаолият юритиб келаётган директорлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинган. Қолган мактаб директорлари фаолиятига муносабат билдириш бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига белгиланган тартибда хат юборилган бўлса-да, бошқарма томонидан мазкур таълим муассасалари фаолияти таҳлили, аниқланган камчиликлар, таълим сифатини ошириш юзасидан мавжуд муаммолар тўғрисида асослантирувчи ҳужжатлар Кенгашларга тақдим этилмаган.

Шунингдек, ish.uzedu.uz сайти орқали танлови якунланган 90 та вакант умумтаълим мактаби учун номзодларнинг ҳужжатлари халқ таълими бошқармаси томонидан бугунги кунга қадар кўриб чиқилмаган ва Кенгашларга берилмаган. Ушбу сайт орқали 3 та мактаб, яъни Китоб туманидаги 43, 57, 64-мактаблар директори лавозими учун танлов жараёнлари давом этмоқда.

Мазкур тақдим қилинган 38 та умумтаълим мактабидан халқ депутатлари Деҳқонобод тумани Кенгашига тавсия этилган 11 та вакант мактаб директорларининг 4 таси учун 2 июль куни (18, 26, 38, 81-мактаблар) розилик берилган бўлиб, қарор 2021 йилнинг 13 июль куни бошқармага тақдим этилган. 7 та вакант мактаб директорлигига номзодларнинг дастурлари навбатдаги сессияда кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Йиғилишда депутатлар Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан 90 тадан ортиқ вакант умумтаълим мактабларига директорлик лавозими учун танловларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, жараёнларнинг кечиктирилиши натижасида мактаб директори лавозимлари узоқ муддат давомида вакант сақланиб қолаётганини айтиб, бу ҳолат янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда турли муаммоларни келтириб чиқараётганини билдирди.

Узоқ вақт давомида вакант бўлган, вақтинча тайинлаш ҳамда вақтинча вазифасини бажаришни юклатиш орқали директорлик лавозимларини бажариб келаётган ходимларнинг фаолиятини қонунга мувофиқлаштириш, мазкур мактабларни белгиланган тартибга асосан танлов эълон қилиш йўли орқали малакали кадрлар билан тўлдириш, халқ таълими тизимидаги бошқарув лавозимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг vacancy.argos.uz сайти орқали танлов эълон қилиш ва муносиб номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш бўйича бир қатор тавсиялар берилди.

Депутатларнинг айтишича, вилоятда мавжуд вакант умумтаълим мактаблари директорлик лавозимлари учун уч кун муддатда белгиланган тартибда танлов эълон қилиш ҳамда бир ой муддатда барча вакант лавозимларга муносиб номзодларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишган ҳолда тайинлаш муаммонинг ечимидир.

Бу борада Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси, унинг тизимидаги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳамда тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича тегишли идоралар вакиллари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил қилиш таклиф этилди.

Йиғилишда депутатлар томонидан кўтарилган саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олиниб, билдирилган таклифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# ҲУДУДЛАРДАГИ ИЖРО ҲОЛАТИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди.*

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, тегишли бошқарма бошлиқлари, Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходимлари, қуйи палата ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Йиғилишда Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари сўзга чиқиб, бугунги кунда ҳудудларда ёшларга оид йўналишларда амалга оширилган ишлар, истиқболда белгиланган вазифалар ҳақида ахборот берди.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, муаммоларини ҳал этиш мақсадида маҳаллалар кесимида шакллантирилган "Ёшлар баланси" асосида "ёшлар дафтари" тизими жорий этилди ҳамда йил бошидаги хатлов ва ўрганишлар натижасида ушбу дафтарга 46 минг 149 нафар ёш киритилган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2021 йил 22 июль ҳолатига, 44 минг 104 нафар ёш дафтардан чиқарилди. Ҳозирда вилоят бўйича 2 минг 45 нафар йигит-қиз дафтарда қолмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар)да молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида жамғармалар ташкил этилди. Уларда жами 19,2 миллиард сўм миқдорида маблағлар шакллантирилган.

Ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни кунлик мониторинг қилиш, маҳалла-сектор, туман-вилоят даражасида инсон омилисиз рейтинг баҳолаш тизими йўлга қўйилди. Ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш борасида бажарилган ишлар натижасида туман (шаҳар)лар ва секторлар кесимида 7 минг 370 нафар ёш доимий ва жамоат ишларига йўналтирилган.

Тадбирда кун тартибидаги масалалар юзасидан Жиззах вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳам ахборот берди.

2018 — 2020 йиллар давомида Жиззах вилоятида 216 нафар ёш оилага имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олиш учун жами 9 миллиард 400 миллион сўмга яқин маблағ бошланғич бадал сифатида тўлаб берилган.

Йиғилишда ҳудудларнинг ҳар бир маҳалласида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг янги ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Тадбирда кун тартибидаги масала юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг тегишли баённомаси тузилди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

## Бағрикенглик

# БУХОРОДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЎСТЛИК УЙИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

*Бухоро вилояти марказида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва Дўстлик уйи фойдаланишга топширилди. 750 миллион сўм маблағ эвазига капитал таъмирланиб, жиҳозланган мазкур бинода миллий-маданий марказларнинг фаолият кўрсатиши, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, фан тўгараклари ташкил этиш учун барча шароит яратилган.*

Мазкур иншоотнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, кўҳна Бухоро қадим Шарқ цивилизацияси бешикларидан бири сифатида асрлар давомида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик маскани бўлиб келган. Бугунги кунда ушбу анъаналар муносиб давом эттирилмоқда. Ҳозир 40 дан ортиқ миллат вакиллари ҳудуд ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий тараққиёти йўлида муносиб хизмат қилишяпти.

— Бухорода айни пайтда 150 минг нафарга яқин туркман миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиляпти, — дейди вилоят туркман миллий-маданий маркази раҳбари Олим Раҳматов. — Бошқа миллат вакиллари билан бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ, дўстбиродар яшаб келяпмиз. Халқлар дўстлиги кунида шундай шинам бинонинг ихтиёримизга топширилгани барча миллат ва элат вакилларига кўрсатилаётган бирдек эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди.

Байрам тадбирида сана муносабати билан миллий-маданий марказларнинг фаоллари тақдирланди, шунингдек, вилоятдаги олий ўқув юртларини тамомлаган турли миллатга мансуб битирувчиларга дипломлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Б. Зарипов сўзга чиқди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

TURON BANK

## БИЛДИРИШНОМА

### ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

*"Туронбанк" АТБ Кенгашининг 2021 йил 27 июлдаги К-50-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган "Туронбанк" АТБнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори 2021 йил 30 июлда Р0496-25-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълум қилинади.*

Ушбу чиқарилиш доирасида эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 700 сўм бўлган умумий қийматдаги 50 815 041 700 сўмлик 29 891 201 дона оддий акция жойлаштирилади. Акцияларнинг ҳар бир донаси учун сотиш нархи 1 700 сўм.

Ушбу акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилади.

Акциядорлар қўшимча чиқарилган акциялардан ўзи эгалик қилаётган шу турдаги акциялар улушига мутаносиб равишда сотиб олишлари мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати ушбу билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан бошлаб 10 кунни ташкил этади.

Банк акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 27 июль ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида нақд ва нақдсиз шаклда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 36-моддасига асосан, акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклда — пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд — банк кассасига топшириш йўли билан ҳамда нақдсиз шаклда — талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан, пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган тўловлар "Туронбанк" АТБ Марказий амалиёт бошқармасидаги қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади:

**Ҳ/р:** 29830000200000446354,
**МФО:** 00446,
**СТИР:** 201 055 108;
**Банк жойлашган манзил:**
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-"А" уй.

Акциялар учун нақд шаклдаги тўловлар "Туронбанк" АТБнинг барча филиали томонидан қабул қилинади.

"Туронбанк" АТБ акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

А/579 081 655 =В
29 891 201 *В=С
**Шунда:**
579 081 655 — Банк устав капиталидаги умумий акциялар сони;
29 891 201 — қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;
А — акциядорнинг Банк устав капиталидаги акциялари сони;
В — Банк устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони;
С — имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинадиган акциялар сони.

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар қўшимча маълумотлар олиш учун банкнинг Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаментига мурожаат қилишлари мумкин.

**Маълумот учун телефон: 71-202-01-01 (ички рақам:124).**

## АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ АГЕНТЛИГИ

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Европа Иттифоқи грант маблағлари ҳисобидан қиймат «занжир»ларини ривожлантириш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳавий таклифларни қабул қилади.

Лойиҳавий таклифларни тақдим этиш муддати 2021 йил 9 августга қадар.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:** Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.

**Тел.: 90-933-35-88.**
**Эл.почта манзили: lsdp@vetgov.uz uzlsdp@outlook.com**

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор, Меъморлар уюшмаси президиуми аъзоси, давлат ва халқаро мукофотлар лауреати, Халқаро меъморлар академияси академиги
**Серго СУТЯГИНнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси марказий аппаратнинг Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи Муҳаммад Ибрагимовга онаси
**ТЎХТА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ходими Норгул Абдураимовага онаси
**Шарифа БОЙМИРЗАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6